

Жиззах шаҳри (тумани)

Вилоят 29-Меҳрибонлик уйи номидан Низом асосида фаолият юритувчи О.Хамроқулова (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан “Шерали махсуссавдо” КТХФ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор А.Муминов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар куни Буюртмачини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 ___ йил « ___ » ___ дан.

20 ___ йил « ___ » ___ гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этиши таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қиймати белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 29900000 сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

- 3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи қўндилик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунида, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк кўни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нарҳининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озода этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.
- 4.4. Буюртмачига хар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.
- 4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

- 6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқуллода ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озода қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

- 7.1. Ушбу Шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
- 7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
- 7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер» «Шерали махсус савдо» КТХФ	«Буюртмачи» Вилоят 29-Меҳрибонлик уйи
(сўтказиб берувчининг (пудратчининг) номи)	(буюртмачи номи)
Манзили: Ш. Рашидов туман Кулама Қ Ф Й М.Нормуродов кучаси 28 уй Тел./факс + 998 99 -065-14-68	Манзили: Жиззах шаҳар Кимёгар маҳалласи Туқимачилар кучаси 1 уй Тел./факс: 222-82-34 ш/х: 100021860084017095100075001
х/р: 20 208 000 404 554 615 001 Банк номи: АТ «Халқ» банк Жиззах шаҳар бўлими МФО: 00676	Ташкилотнинг СТИР: 201672535 ИФУТ : 92500 Ҳазначилик бўлими: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилиги Банк номи: Марказий банк Тошкент ХККМ Я F X : 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бўғалмаси ХККМ МФО: 00014 Ҳазначилик бўлими СТИРи: 201122919
СТИР: 205 881 502 ИФУТ: 71150 ОКЭД :	Буюртмачи
Раҳбар:  А.Муминол. (имзо)	Раҳбар:  О.Ҳамроқулова. (имзо)
М.ў.	М.ў.
Ҳуқуқшунос:  О. Аронов (Ф.И.Ш.)	Гувоҳнома №  102 000 684 (имзо)



29-«Меҳрибонлик уйи» учун бюджет маблағлари ҳисобидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш (аутсорсинг хизмати) буйича танлов утказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 3

« 19 » май 2022 йил

Жиззах шаҳри

29-Меҳрибонлик уйи директори О.Хамракулова 2022 йил « 4 » январдаги № 1 -сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари куйидаги таркибда

Қатнашдилар:

29-Меҳрибонлик уйи баҳолаш танлов комиссиясининг раиси Хамракулова Ойдиной

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Худойкулова Гавхар	- УИБД уринбосари
Кодиров Бахром	- бош ҳисобчи
Хушбоков Шерзод	- Х.И.Б.Д уринбосари
Ильясов Марат	- меҳнат йуриқчиси


Қун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси. Энг яхши таклифларни танлаб олиш порталида куйидаги № 22110012078722 лот буйича ариза ва шикоятларни куриб чиқиш.


Қарор қилади:

2. Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси. Энг яхши таклифларни танлаб олиш порталида куйидаги № 22110012078722 лот буйича 16.05.2022 йилда голиб аниқланди ва 19.05.2022 йилгача муҳокамада турган пайт ҳеч қандай ариза ва шикоятлар келиб тушмагандлиги сабабли "Шералимаҳсуссавдо" КТХФ билан шартнома тузишга қарор қилинди.


Хамракулова Ойдиной
(И.Ф.О.)


(ИМЗО)


Кодиров Бахром
(И.Ф.О.)


(ИМЗО)


Хушбоков Шерзод
(И.Ф.О.)


(ИМЗО)

Худойкулова Гавхар
(И.Ф.О.)


(ИМЗО)

Ильясов Марат
(И.Ф.О.)


(ИМЗО)

ЮРИДИК ШАХСНИ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН УТКАЗИШ ТУГРИСИДА
ГУВОНХОММА № 00626

Регистрдаги тартиб рақами № 592

2005 йил «25» ноябр ЭМЕРАЛІ МАХСУС ЗАВОНОС
 Мажмур гувонхнома юридик шахс ЭМЕРАЛІ МАХСУС ЗАВОНОС
 сўй тартиб рақами якушев файзуллаев га
(бухса тартиб рақами турли номи)

ЖУЗВОЯ ОУШЕН КУША КИШИЯ СУДЖАВОРАД
ШУВАКИ. Д. НОРМУРОВОД СУДАСИ 28-УДА

(Юридик шахс бўлган ҳақон хўжаликларин, фермер хўжаликларин учун асфалтинган ер участкасин ва унинг майдони курағилидаги)
 берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шахсин: ТХШ

Мулкчилик шахсин: МШ
194

Почта манзилин: МХОБТ
170821 28 37


Юридик шахс коди: КТУТ
2047 30 77

Тармоқ коди: ХХТУТ
7124

Солиқ тўловчининг
 идентификация рақами: 205 881502



Кушимта маълумотлар: И. Холматов
 Инспекция бошқаруви: И. Холматов



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ЖИЗЗАХ РИЛОҚТИ
 ЖИЗЗАХ ТУМАН ХОҚИМЛИГИ

А М Қ В Н З М Р

Тартиб рақами 30 Серия 660030

Мажмур лицензия билан ШУВАКИ. КУША. МАХСУС ЗАВОНОС КТ. 2. 37 га
(лицензия эгасининг турли номи)

Файзуллаев
(фойдалигининг руҳсат берилган турли)
 ни амалга оширишга руҳсат берилди.


Лицензия эгасининг жойлашган жойин (почта манзилин): Куша маҳсулоти
сурадорлар кушаки Д. НОРМУРОВОД СУДАСИ

Солиқ тўловчи лицензия эгасининг идентификация рақами: 205 881502

Лицензия берилган сана: 2004 йил 10 сентябр

Лицензиянинг амал қилиши муддати: чексиз

Регистр буйича тартиб рақами: 18
 Жиззах туман хўқимини
 уринибосари: И. Холматов





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Жиззах вилоят ДСЭНМ
(санитария-эпидемиологик хулосани берган муассасанинг номи)

UZ.AMT.07.MAI.949 21 07 2015
(аккредитация гувоҳномасининг олинган йили ва саниси)

№ 254599

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА

20 20 йил « 14 » май дан 20 23 йил « 14 » май гача ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу хулоса билан: **“SHERALI MAXSUS SAVDO” КТХФ**
(ишлаб чиқарувчи, келиб чиқиш давлати, олиб келувчи)

(импорт, маҳаллий маҳсулотларга алоқадор меъёрий ёки асословчи ҳужжатлар)

Ишлаб чиқарилган (олиб келинган) маҳсулот: **1-тонфали мол гушти, Сигир сүти, Хураки товук тухуми, Товук гушти, 1-тонфали хураки товук тухуми, картонка, сабзи, шёз, карам, кизил лавлаги, лавлаги, ошқовок, шолғом, турп., помидор, бодиринг. Дукаклилар; мөш, левия, пухат, кизил пухат**

санитария гигиена лабораториясининг 2020 йил 14-майдаги 104.102-сонли бактериология лабораториясининг 2020 йил 14-майдаги 55-сонли паразитология лабораториясининг 2020 йил 14-майдаги 31-сонли ва радиология лабораториясининг 2020 йил 14-майдаги 131-сонли ўтказилган текширишлар натижалари қайд этилган баённомалар асосида Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг нормативлари 0366-19 сонли

(ўтказилган лаборатория текширувлари баённомалари, натижалари)

Санитария қоида ва меъёрлари талабларига **ЖАВОБ БERAДИ.**

Хулоса олувчи: **“SHERALI MAXSUS SAVDO” КТХФ**
(муассаса номи ва юридик манзили)


— **Ш.Рашидов тумани Қўлама ҚФЙ М.Нормуродов кўчаси 28-уй**
(олиб келувчининг юридик манзили ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манзили)

Қўлланиладиган, ишлатиладиган соҳа: **Иетемол килниш учун**

Ишлатиш, ташиш, сақлаш ва хавфсизлигига оид шарт-шароитлар _____, санитар тигиена меёрлари.

Сақлаш ва ташиш қоидаларига риоя этиш, шarti билан
Махсус белгилар:

маҳсулот сифатини назорат қилиш мурожатчи зиммасига юклатилади



Бош врач: _____ М.Д. Умаров
(санитария-эпидемиологик хулосасини берувчи муассаса раҳбарининг фамилияси ва исми, шарифи)

20 20 йил « 14 » май